

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

САПАЕВ ИБРОХИМ БАЙРАМДУРДИЕВИЧ

**КАДМИЙ СУЛЬФИДИ ВА КРЕМНИЙ ОРАСИДАГИ
ГЕТЕРОЎТИШЛАР АСОСИДАГИ ИНЖЕКЦИОН
ФОТОДИОДЛАРДАГИ ЭЛЕКТРОН ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 –Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Сапаев Иброхим Байрамдурдиевич

Кадмий сульфиди ва кремний орасидаги гетероўтишлар асосидаги
инжек-цион фотодиодлардаги электрон жараёнлар 3

Сапаев Иброхим Байрамдурдыевич

Электронные процессы в инжекционных фотодиодах на основе
гетеро-переходов между сульфидом кадмия и кремнием 23

Sapaev Ibrohim Bayramdurdievich

The electron processes in the injection diodes between cadmium sulfide
and silicon 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

САПАЕВ ИБРОХИМ БАЙРАМДУРДИЕВИЧ

**КАДМИЙ СУЛЬФИДИ ВА КРЕМНИЙ ОРАСИДАГИ
ГЕТЕРОЎТИШЛАР АСОСИДАГИ ИНЖЕКЦИОН
ФОТОДИОДЛАРДАГИ ЭЛЕКТРОН ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 –Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2017.1.PhD/FM38 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг fti-kengash.uz ҳамда «Ziyo Net» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирсагатов Шавкат Акрамович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахманов Каххар Паттахович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Намангон давлат университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технология-лари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги 27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2Б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: info.fti@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2Б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

С.А. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., ЎзР ФА академики

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

И.Г. Атабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда интенсиф ривожланаётган яримўтказгичлар соҳасида истиқболли йўналишлардан бири бўлган оптикэлектрон асбобларнинг янги турларини барпо қилишга, шунингдек инжекцияли фотодиодларни такомиллаштириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада инжекцияли фотодиодларнинг ишлаш принципи, уларга қўйилган кучланишнинг электрон-ковак жуфтликларининг генерацияланиши ва электромагнит нурланиши таъсирида база қаршилигининг модуляцияланиш жараёнларини тадқиқ қилиш фотодиодларнинг янги турини яратишдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда ярим ўтказгичлар физикаси соҳасида инжекцияли фотодиодларнинг физик хусусиятларининг шаклланишида база параметларининг ролини аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади ва буларга: тадқиқ қилинадиган тузилмаларда содир бўлаётган физик жараёнларни мукамал ўрганиш ва фотоэлектрик характеристикаларининг шаклланиш механизмларини аниқлаш; инжекцияли фотодиодларни тайёрлаш технологик усуларини мукамаллаштириш; кадмий сулфиди ва кремний асосидаги гетеротузилмали фотодиодларнинг спектрал характеристикаларининг гетерочегарадаги жараёнлар билан боғлиқлигини аниқлаш; уларнинг функционал параметрларини оптималлаштириш усулларини излаш; ҳамда уларни тайёрлаш технологиясини мукамаллаштириш киради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан микроэлектроника ва яримўтказгичли гетеротузилмаларда кечадиган электрон жараёнларни ва спектрал характеристикаларини бошқариш имкониятларини аниқлаш амалиётга тадбиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда ҳар хил спектрал диапазонга мўлжалланган гетеротузилмали фотодиодларнинг функционал характеристикаларини оптималлаштириш орқали уларнинг самандорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада турли ташқи таъсирлар орқали сирқиш тоқларини камайтириш усуллари ишлаб чиқилган. Шулар қаторида кадмий сулфиди ва кремний асосидаги гетеротузилмали фотодиодларнинг спектрал характеристикаларининг шаклланишини, динамик ва статик характеристикаларини изоҳлайдиган электрон жараёнларни аниқлаш, фотоэлектрик параметрларининг самарандорлигини ошириш ҳамда уларни яратишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-№2772-сонли «2017-2021 йилларда электроника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-№2789-сонли «Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республиканинг фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунга қадар олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътибори гетеротузилмаларда кечувчи электрон жараёнларни ўрганишга ва уларнинг фотоэлектрик параметрларини оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган. Шундай гетеротузилмалардан бири инжекцияли фотодиодлар бўлиб, улар яримўтказгичли фотодиодлар ичида фотоқабулқилгичларнинг янги синфини ташкил қилади ва узун базали диодлар туркумига киради.

Инжекцияли фотодиодларнинг илк намуналари бу соҳада етакчи бўлган етук олим В.И. Стафеев ва унинг шогирдлари томонидан яратилган. Янги турдаги фотоқабулгич тузилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг спектрал диапазонини база материалнинг параметрларига боғлиқ ҳолда бошқариш бўйича маълум натижалар кремний ва галлий арсениди асосида М.К. Бахадирханов, А.Т. Мамадалимов ва А.В. Каримов¹ каби олимлар раҳбарлигида амалга оширилган.

Ўз навбатида инжекцияли фотодиодларнинг янги турларини яратиш яхши ўрганилган материалларга, яъни адабиётларда физикавий, физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари ҳақида етарлича аниқ маълумотлар келтирилган яримўтказгич материалларга мурожаат қилишни талаб қилади. Бирок, A^4B^4 ва A^2B^6 бирикмали яримўтказгичлар яхши ўрганилганлигига қарамасдан, улар асосида инжекцияли фотодиодлар ишлаб чиқишга кам эътибор қаратилган. Бундан ташқари шу пайтгача кремний тагликлар юзасига CdS яримўтказгич бирикмаларини ўтқозиш ва улар асосида фотодиодларни тайёрлаш технологиялари ҳам ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

¹Диссертациянинг мавзуси бўйича муаммони ўрганилганлик даражаси Karimov A.V., Karimova D.A. Three-junction Au/AlGaAs(n)/GaAs(p)/Ag photodiode. Science in Semiconductor Processing. Volume 6, Issues 1-3, 2003, Pages. 137-142, Инжекционно-полевой фотодиод Патент РУз № IAP 03974 от 09.06.20.09. Расмий ахборотнома. – 2009. - № 7 ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

ция иши ЎзР ФА «Физика – Қуёш» ИИЧБ ФТИ илмий тадқиқотлари доира-сидаги қуйидаги лойиҳалар бўйича: АЗ-ФА-011242 «Саноатда металл қотишмалар таркибидаги элементларни тезкор аниқлаш учун кўчма спекро-анализаторни ишлаб чиқиш» (2012-2014 й.й.); ФА-АЗ-Ф024 «Газ алангали қозонлар учун аланга ёнганлигини назорат қилишнинг компакт тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 й.й.) деган мавзуларда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $n^+CdS - nCdS - pSi$ ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмалари асосидаги инжекцияли фотодиодларнинг ток ташиш меха-низмларини ҳамда уларнинг динамик ва статик характеристикаларини изохлайдиган электрон жараёнларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқ қилинадиган тузилмани ва уни яратиш учун зарур бўлган ярим ўтказгич материални танлаш критерийларини аниқлаш;

инжекцияли фотодиодларнинг экспериментал намуналарини тайёрлаш-нинг технологик усулини ишлаб чиқиш, технологик қурилмани тайёрлаш ва материалларга ишлов бериш;

тадқиқ қилинадиган инжекцияли фотодиодлар тузилмасининг экспери-ментал намуналарини тайёрлаш;

тайёрланган инжекцияли фотодиодлар намуналарини морфологик тадқиқ қилиш;

$n^+CdS - nCdS - pSi$ ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмаларининг вольт-фарада, қоронғулик ва ёруғлик вольтампер характеристикаларини тадқиқ қилиш;

$n^+CdS - nCdS - pSi$ ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмаларида ток ўтиш механизмини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти вакуумда CdS қуқунини термик пуркаш йўли билан кремний тагликда олинган CdS юпка қатламлари, улар асосида яра-тилган $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмалардан иборат.

Тадқиқот предмети $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеро-тузилмалардаги ток ўтиш механизмлари ва уларнинг спектрал сезгирлик-ларининг шаклланиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни амалга оширишда вольтампер, вольтфарада ва спектрал характеристикаларни олишнинг синалган усул-ларидан, солиштирма қаршиликни ўлчашнинг стандарт бир зондли ва тўрт зондли усулларида, LINK ISIS (Япония) энергодисперс спектрометри (ЭДС)ни қўллаб Jeol-JXA-8900 микроаналитик комплексида бажариладиган морфологик тадқиқот услубларидан фойдаланилган.

Ишнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

квазиёпиқ вакуум тизимида CdS қуқунини термик пуркаш йўли билан илк бор кремний тагликда CdS юпка қатламлари олиниб, улар асосида ички кучайтиришга ва созланувчи спектрал сезгирлик диапазонига эга бўлган инжекцияли фотоқабуллагич сифатида ишлайдиган $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмаларни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

$n^+CdS - nCdS - pSi$ -гетеротузилма 389 – 1238 nm тўлқин узунликлар оралигида жойлашган кенг қамровли спектрал сезгирлик диапазонида «чўққиси» 475 nm тўлқин узунликда ётган битта катта ва мос равишда 618 nm, 740 nm ва 821,8 nm тўлқин узунликларда ётган учта кичик «чўққи»лар ҳар хил сатҳларга эга бўлган киришмалар мавжудлигини тасдиқлаган;

термодинамик мувозанат ҳолатида $nCdS - pSi$ -гетероўтиш чегарасида сирт потенциалнинг қиймати $\psi_s = 0,04$ eV га тенг бўлган акцептор типидagi манфий зарядланган сирт ҳолатлари ҳосил бўлиши, сирт потенциали ψ_s манфий кутбли бўлганда, сирт ҳолатлари зичлиги (N_{ss}) катта қийматларга, ψ_{ss} мусбат бўлганда эса кичик қийматлар қабул қилиши асосланган;

тўғри йўналишдаги кучланишнинг ортиши билан pSi -тагликдан база соҳасига электронлар инжекциясининг ортиши фототокнинг ортишига ва спектрал диапазоннинг қисқа тўлқин томонига кенгайиши ток ташувчиларнинг йиғилиш коэффиценти ортиши билан боғлиқлиги исботланган;

373 Kга қиздирилган $nCdS - pSi$ - ва $nCdS - nSi$ -гетеротузилмалар юзасига индийни вакуумда термик пуркаш ва кейинчалик 673 K ҳароратда 30 сек, давомида термик ишлов бериш йўли билан $nCdS$ юпқа қатлами устида кучли легирланган юпқа n^+CdS қатламни шакллантириш ва контакт олишнинг режимлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

CdS кукунини 10^{-5} Torr вакуумда Si -тагликка термик пуркаш йўли билан $n^+CdS - nCdS - pSi$ ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмалар олинган. Улар асосида ички кучайтиришга эга ва созланувчи спектрал сезгирлик диапазонида эга бўлган инжекцияли фотодиодлар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги солиштирма қаршилик, вольтампер, вольтфарада ва спектрал характеристикаларни ўлчашнинг синалган анъанавий усулларидан фойдаланиш билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олиб борилган тадқиқотлар инжекцияли фотодиодлар тўғрисидаги тушунчалар соҳасини янада кенгайтди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, созланувчи фотосезгирлик диапазонида ва фототокнинг инверсиясига эга бўлган инжекцияли фотодиодларни яратишда улардан фойдаланиш мумкинлигидадир.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмалари асосидаги инжекцияли фотодиодлардаги ток ташиш механизмлари ҳамда уларнинг динамик ва статик характеристикаларини изоҳлайдиган электрон жараёнларни аниқлаш натижалари асосида:

юпқа қатлам юзасига контакт олишнинг технологик режимлари Т15МН-001 рақамли «Қопланган тиббиёт асбобларига металлоценлар ва фуллерид металлларнинг физик ва антибактериал хусусиятларини тадқиқ қилиш ва медицина асбобларида қўллаш имкониятларини аниқлаш» (2015-2017 й.й.) халқаро лойихасида юпқа қатламли намуналарга омик контакт олишда қўлланилган (Беларусь Миллий академияси Иссиқлик ва масса алмашинуви

институтининг 2017 йил 11 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш нанотузилмали намуналарга контакт олиш ва намуналар ток характеристикаларининг физик хусусиятларини тадқиқ қилиш имконини берган;

кадмий сульфидига вакуумда магнетронли пуркаш йўли билан контакт олиш усули Ф2-ФА-Ф161-рақамли (2012-2016 й.й) «Эркин юпка қатламлар (Al, Cu, Ag, ва Cu-Si) ва хажмий кристаллар (W, WOn, TiN, CdTe и SiO₂) юзасида ион имплантацияси усули билан наноўлчамли гетеротузилмаларнинг шаклланиш механизмларини ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш» деган мавзудаги грант лойиҳасида наноқатламлар устида омик қаршилиги кичик бўлган контактлар олишда қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги ФТА-02-11/1150-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш эркин юпка қатламлардан қайтган ва улар орқали ўтган электронлар энергия йўқотиш характеристик спектрларининг дисперсиясини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп қилинган бўлиб, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация ишларининг илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, чоп этилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 20 та расм, 4 та жадвал ва 78 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ва унинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган. Тадқиқотларнинг республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объектлари, предметлари ва усуллари аниқланган. Илмий янгилик баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Ишнинг апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инжекцияли фотоқабуллагичларнинг олиниши, хусусиятлари, асосий характеристикалари ва ривожланиш тамойиллари**» деб номланган биринчи бобида, турли тадқиқотчилар томонидан яратилган ИФҚларнинг турлари, уларнинг олиниши, хусусиятлари, асосий характеристикалари ва ривожланиш тамойиллари қараб чиқилган. Турли ярим ўтказгич материаллар асосида олинган инжекцияли диодлар, улардаги

ток ўтиш ва фототокнинг кучайиш механизмлари, шунингдек улар фотосезгирликларининг спектрал боғлиқликлари баён қилинган.


« $n^+CdS - nCdS - pSi$ ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмалар асосида инжекцияли фотоқабуллагичларнинг намуналарини тайёрлаш ва уларнинг асосий параметрлари» деб номланган иккинчи бобда юпқа қатламларни олишнинг турли усуллари баён қилинган. Диссертация ишида тадқиқ қилинган ФҚларни яратиш учун қўлланилган $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ -гетеротузилмаларни шакллантиришда CdS қатламларини олишда вакуумли термик пуркаш усулининг афзалликлари кўрсатиб берилган. Кремний тагликлар сиртига ишлов беришнинг улар юзасида олинган CdS қатламларининг ҳамда улар асосида яратилган тузилмаларнинг электрофизикавий хусусиятларига таъсири кўрсатиб берилган. Шунингдек, CdS юпқа қатламларни олишнинг ва улар асосида $n^+CdS - nCdS - pSi$ - ва $n^+CdS - nCdS - nSi$ - гетеротузилма намуналарини яратишнинг технологик режимлари, ҳамда олинган CdS қатламларнинг параметрлари келтирилган.

Олинган юпқа қатламларни морфологик тадқиқ қилиш орқали, кристаллитларнинг ўлчамлари технологик режимларга, энг аввало тагликнинг ҳарорати T_s га кучли боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Масалан, $T_s = 300^\circ C$ бўлганда тайёрланган CdS қатламлари кристаллитларининг ўлчамлари $\sim 3 \div 4 \mu m$ га тенг бўлиб, $w \approx 2 \mu m$ қалинликка эга бўлган юпқа қатламни бутунлай қоплаб олган бўлиб, уларнинг солиштирма қаршиликлари $\rho \geq (2-3) \cdot 10^6 \Omega \cdot cm$ га тенг бўлган n -ўтказувчанликка эга бўлган. Шундай тарзда олинган CdS юпқа қатламлари намуналарининг сиртини МИИ-4 микроскопи ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар, юпқа қатламларнинг ўсиш йўналиши бўйича ориентацияланган ва азимут бўйича ориентацияланмаган зич тахланган устунсимон кристаллитлардан иборатлигини кўрсатган (1-расм).


LINK ISIS ЭДС (энергодисперсион спектрометр) ёрдамида Jeol – JXA-8900 микроаналитик комплексида CdS қатламининг қалинлиги бўйича кимёвий элементларнинг тақсимоли аниқланган (2-расм). Ўлчаш шартлари: $U = 20 kV$, $I = 10 nA$. Эталонлар: табиий соф ҳолда топилган Cd ва Si, S учун эса – синтетик яратилган FeS; бунда ўлчаш хатолиги $\pm 2.0\%$ ни ташкил этади. ИФД тузилмалари намуналарини тайёрлашда тузилмаларга контактлар, орқа томондан Si-тагликка яхлит, юза томондан эса n^+CdS қатлам юзасига «П» кўринишда индий (In) ни вакуумда пуркаш йўли билан олинган. 50 \AA қалинликка эга бўлган кучли легирланган n^+CdS қатлам сиртига тагликнинг ҳарорати $373 K$ бўлган ҳолда қолдиқ босим $10^{-5} Torr$ га тенг бўлган вакуумда $25 \div 30 s$ давомида In нинг юпқа қатламини пуркаш ва кейин $300 s$ давомида $673 K$ да термик ишлов бериш йўли билан олинган. Сўнгра ушбу кучли легирланган n^+CdS -қатлам сиртида юзаси $3 mm^2$ га тенг бўлган «П» кўринишдаги омик контакт худди шундай In ни вакуумда пуркаш йўли билан олинган.

Бўлиниш чегарасидаги ҳолат ҳақидаги маълумотларни олиш учун частотали вольтфарада характеристика (ВФХ) усули қўлланилган. Тузилмаларнинг ВФХ тўғри ва тесқари силжиш кучланишларида $f = (0,4-50) kГц$ частоталарда ўлчанди. Бундай частоталардаги $C(U)$ -характеристикалар бир

хил шаклга эга бўлганлиги учун фақатгина $f = 10$ кГц частота учун битта характеристика келтирилди.




1-расм. CdS эпитаксиал юпка қатлам сиртининг микросурати




2-расм. pSi-тагликка ўтқазилган nCdS қатламнинг қалинлиги бўйича кимёвий элементларнинг тақсимооти


Гетеротузилмалардаги сирт ҳолатлари зичлиги экспериментал $C(U)$ -характеристиканинг сиғимнинг айнан бир хил қийматларида $N_{SS} = \Delta U \cdot C / q$ бўйича ҳисобланган характеристикага нисбатан силжишидан аниқланган. 3-расмда pSi – nCdS – n⁺CdS-гетеротузилманинг экспериментал ва (1-эгри чизик) ва ҳисобланган (2-эгри чизик) $C(U)$ -характеристикалари келтирилган. Экспириментал $C(U)$ -характеристика (3-расм, 1-эгри чизик) хона ҳароратида тест частотасининг $f = 10$ kHz қийматида олинган, чунки шу частотада М(металл) – Д(диэлектрик) – Я(ярим ўтказгич) тузилмасининг $C(U)$ -характеристикаси анча яққол намоён бўлади. Бу эса гетероўтишда мавжуд бўлган сирт ҳолатларининг зичлиги N_{SS} сушт кечадиган сирт ҳолатлари эканлигини англатади. (ψ_s) нинг экспериментал аниқланган кучланиш U га боғлиқлиги 4-расмда, N_{SS} нинг ψ_s га боғлиқлиги эса 5-расмда келтирилган.



3-расм. pSi – nCdS – n⁺CdS-гетеротузилманинг $C(U)$ -характеристикаси



4-расм. Сирт потенциалининг қўйилган кучланишга боғлиқлиги




5-расм. Сирт ҳолатлари эффе́ктив зичлигининг сирт потенциалга боғлиқлиги


«pSi – nCdS – n⁺CdS ва nSi – nCdS – n⁺CdS-гетеротузилмаларнинг спектрал характеристикалари» деб номланган учинчи бобда pSi – nCdS – n⁺CdS-гетеротузилманинг қоронғилик ва ёруғликдаги, шунингдек силжитиш кучланишининг тўғри ва тескари йўналишларидаги фототокларнинг спектрал боғлиқлик тадқиқотларидан олинган натижалар келтирилган.

Тузилмалар фотосезгирлигининг спектрал боғлиқлиги хона ҳароратида (300 К) 3MP-3 монохроматорида ўлчанди. Бунда нурланиш манбаи сифатида йўл қўйиладиган энг кам қувват режимида ишлайдиган ва ёруғлик доирасининг марказида 53000 lm ёруғлик оқимини ва 120 Mcd/m² гача бўлган ёрқинликни таъминлайдиган ДКСШ-1000 типдаги ксенон лампа хизмат қилди. Лампанинг нурланиши кварц дарчали РТЭ-9 термоэлементи ёрдамида абсолют бирликларда градуировка қилинган. ДКСШ-1000 лампаси ультрабинафша ва кўзга кўринадиган тўлқин узунликлар соҳасида яхлит спектрга эга.

6-расмда $n^+CdS - nCdS - pSi$ -гетеротузилмали типик фотодиод учун токнинг тўғри йўналишида силжиш кучланиши бўлмаган ҳолатда фотосезгирликнинг спектрал боғлиқлиги (S_λ) келтирилган. Бунда токнинг мусбат йўналиш деб pSi тағлиқка «+» потенциал, аксинча «-» потенциал қўйилган ҳолат қабул қилинган. 6-расмдан кўринадики, спектрал сезгирлик эгри чизиғида $\lambda = 389 - 1238,46$ nm тўлқин узунликлар оралиғида бир қатор хусусиятлар мавжуд. Яъни тузилманинг спектрал сезгирлиги $\lambda = 389$ nm дан бошланади ва кескин ортиб бориб, $\lambda = 475$ nm да ўзининг максимумига («чўққи»сига) эришади ва бунда спектрал сезгирлик $S_\lambda = 5,49$ A/W қийматга эга бўлади. Шундан кейин S_λ аста-секин камайиб бориб, $\lambda = 872,7$ nm тўлқин узунликда нолгача тушади.



6-расм. $pSi - nCdS - n^+CdS$ -гетеротузилма фотосезгирлиги (S_λ) нинг силжитиш кучланиши бўлмаган ҳолатдаги спектрал боғлиқлиги



7-расм. $pSi - nCdS - n^+CdS$ -гетеротузилма фото-ЭЮК (U_{ph}) нинг спектрал боғлиқлиги

Бундан ташқари яна, фотосезгирликнинг пасайиш тарафида $\lambda = 541,84 - 578,56$ nm ораликда поғоналар ва мос равишда $\lambda = 618$ nm, $\lambda = 740$ nm ва $\lambda = 821,8$ nm тўлқин узунликларида учта «чўққи» мавжуд бўлиб, улар CdS қатламларида шу тўлқин узунликларга мос энергетик сатҳларга эга бўлган киришмаларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Шундан сўнг S_λ нол қийматдан бошлаб, ишорасини ўзгартирган ҳолда тескари йўналишда ўса бошлайди ва $\lambda = 961,8$ nm да манфий максимумга эришиб, $S_\lambda = 0,4$ A/W га тенг бўлади. Ундан кейин S_λ нинг силлиқ пасайиши ва $\lambda = 1042,8$ nm да нолга эришиб яна $\lambda = 1200,3$ nm да ишорасини ўзгартириб, ўсиши ва кейинчалик арзимаган камайиши кузатилади.

Аввалги бўлимда баён қилинган спектрал сезгирликнинг ҳолатини тушунтириш мақсадида тузилмадаги фото-ЭЮК(U_{ph}) нинг спектрал боғлиқлиги 7-расмда келтирилган ва тўлқин узунликка боғлиқлиги $U(\lambda)$ ўрганилган. Натижада $S_\lambda(\lambda)$ ва $U(\lambda)$ ларни ўзаро таққослаш уларнинг бир бирига мос кўринишга эга эканлигини кўрсатди. Уларда λ нинг бир хил қийматларига мос келган максимум ва минимумларда умумий экстремал нуқталар мавжуд бўлиб, бу ҳолат $S_\lambda(\lambda)$ нинг кўриниши $U(\lambda)$ га боғлиқ дейишга асос бўла олади. $\lambda = 475 \text{ nm}$ тўлқин узунликда катта чўққининг пайдо бўлиши изотип $n^+CdS - nCdS$ -ўтиш соҳасида номувозанатланган ток ташувчиларнинг юзага келиши ва йўқотишларсиз бўлиниши билан боғлиқдир.


Фотосезгирликнинг ишора ўзгаргандан кейинги ортиши фототашувчиларнинг бўлинишида $pSi - nCdS$ -гетероўтишнинг ҳиссаси билан боғлиқ ҳолда, бундан кейинги камайишда ишоранинг ўзгариши ва $\lambda = 1200,3 \text{ nm}$ ($S_\lambda = 0,96 \text{ A/W}$ бўлганда) да максимумнинг пайдо бўлиши, ток ташувчиларнинг диффузияси ва дрейфи жараёнига $pSi - nCdS$ -гетероўтиш улушининг устун келиши билан тушунтирилади. $\lambda = 1200,3 \text{ nm}$ даги фотосезгирлик катталиги $pSi - nCdS$ -гетероўтиш нурланиши натижасида генерацияланган электрон-ковак жуфтликларни самарали ажратишини кўрсатади. Бироқ бунда $\lambda = 1200,3 \text{ nm}$ даги спектрал сезгирлик $\lambda = 475 \text{ nm}$ дагидан сезиларли даражада кичик бўлган. Бу ҳолат $pSi - nCdS$ -гетероўтишнинг эффективлиги изотип $n^+CdS - nCdS$ -ўтишдагига қараганда ёмонроқ эканлигини кўрсатади.

Изотип $n^+CdS - nCdS$ -ўтишдан инжекцияланган ток ташувчилар фото-ЭЮК таъсирида, электронейтралликни таъминлаш учун пайдо бўладиган ковакларнинг диффузион оқимини ҳосил қиладилар. Спектрал сезгирликнинг максимум ($\lambda = 475 \text{ nm}$) даги катталиги электромагнит нурланишнинг ушбу тўлқин узунликдаги идеал ФКнинг спектрал сезгирлигидан ($S_\lambda = 0,6 \text{ A/W}$) анчагина ортиқ экани аниқланган (8-расм). Бу ерда идеал фотоқабуллагич деб, тушадиган барча фотонлар ютилиб, электрон-ковак жуфтлиги ҳосил бўлиб, йўқотишларсиз ҳажмий заряд майдони ҳисобига бўлинадиган фотоқабуллагичга айтилади. S_λ нинг кузатилган ортиши, бундай тузилмада бирламчи фототокнинг кучайиши рўй беради, деб тасдиқлашга имкон беради. Бундай кучайтиришнинг механизми икки хил сабабга кўра, яъни параметрик ёки мусбат тескари алоқа туфайли бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, учинчи бобда $pSi - nCdS - n^+CdS$ -гетеротузилмага силжитиш кучланиши берилмаганда ва токнинг тескари йўналишида турлича катталиқдаги силжитиш кучланиши берилгандаги спектрал сезгирлиги қараб чиқилган (9-расм). Ушбу расмдан кўриниб турибдики, силжитиш кучланиши бўлмаганида спектрал сезгирлик диапазони $\lambda = 350-1350 \text{ nm}$ тўлқин узунликлар соҳасида ётади ҳамда фототок манфий қийматларга эга бўладиган $\lambda_1 \approx 480 \text{ nm}$ ва $\lambda_2 \approx 1248 \text{ nm}$ да энг юқори қийматларга эришади.


Фототокнинг спектрал боғлиқликдаги инверсия нуқталари тузилманинг базасида бир-бирига қарама-қарши йўналган дрейф ва фототоклар базанинг маълум бир d_λ чуқурлигида бир-бирини тўлиқ мувозанатлайди, деб тасдиқлашга асос бўлади. Базанинг бу қалинлиги λ тўлқин узунликка эга бўлган электромагнит нурланишнинг ютилиш чуқурлигига мос келади.

Фотосезгирлик инверсия нуқталарининг қисқа тўлқин узунликлари томонига силжиши биполяр дрейф тоқининг катталиги билан аниқланади ва бу ток асосан электронларнинг $n\text{CdS} - p\text{Si}$ -гетероўтишдан базага инжекцияси билан боғлиқ бўлади. Инверсия нуқталарини тескари йўналишда кичик силжитиш кучланишларни бериш билан амалга оширилади. Тажрибалар кўрсатадики, $U \geq 8,5 \text{ mV}$ га тенг ва ундан юқори кучланиш берилганда тузилмадаги биполяр дрейф тоқи асосий ҳал қилувчи бўлиб қолади ва, шунинг учун ҳам, фотосезгирлик спектрида фототок ишорасининг инверсияси пайдо бўлмайди.



1– силжиш кучланиши бўлмагандаги спектрал сезгирлик, 2– 0,5 мВ, 3– 2 мВ, 4– идеал фотоқабуллагич учун

8-расм. $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - p\text{Si}$ -гетеротузилма фотосезгирлигининг тўғри йўналишдаги турли қийматлардаги силжиш кучланиши берилгандаги ва у бўлмагандаги спектрал боғлиқлиги




1– силжиш кучланиши бўлмагандаги спектрал сезгирлик, 2– 4 мВ, 3– 6 мВ, 4– 8.5 мВ, 5– идеал фотоқабуллагич учун

9-расм. $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - p\text{Si}$ -гетеротузилма фотосезгирлигининг тескари йўналишдаги турли қийматлардаги силжиш кучланиши берилгандаги ва у бўлмагандаги спектрал боғлиқлиги

« $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - p\text{Si}$ - ва $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - n\text{Si}$ -гетеротузилмаларнинг вольтампер характеристикалари ва ток ўтказиш механизмлари» деб номланган тўртинчи бобда $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - p\text{Si}$ - ва $n^+\text{CdS} - n\text{CdS} - n\text{Si}$ -гетеротузилмаларнинг қоронғилик ва ёруғликдаги ВАХлари ва бирламчи ток ўтказиш механизмлари тадқиқ қилинган.

Биз тайёрлаган $p\text{Si} - n\text{CdS} - n^+\text{CdS}$ -гетеротузилмаларнинг ВАХлари қоронғуликда, ҳамда $E = 0,1 - 50 \text{ lux}$ ёритилганликда хона ҳароратида (300К), токнинг тўғри ва тескари йўналишларида ўлчанди. Тузилмаларни ёритиш икки усулда: $(0,01 - 0,75) \text{ mW/cm}^2$ қувват интервалида $\lambda = 0,625 \mu\text{m}$ тўлқин узунликли лазер (ЛГ-75 типдаги газ лазери) нури билан, шунингдек кўрсаткичлари оқ нур эталон лампасига деярли мос келадиган чўғлинма лампа орқали амалга оширилди. Бунда электромагнит нурланиш спектрининг кўзга кўринадиган соҳасида бир люмен $9,1 \cdot 10^{-3} \text{ W}$ қувватга тенглигини эслатиб ўтиш лозим.

10-расмда $pSi - nCdS - n^+CdS$ -гетеротузилма ВАХларининг тўғри ва тескари тармоқлари ярим логарифм масштабларда келтирилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тузилмага тўғри йўналишда кучланиш берилганда pSi -контактига « + » қутбли потенциал, тескари йўналишда « - » потенциал берилади. ВАХ нинг таҳлили тузилма тўғрилаш хусусиятига эга эканлигини, унинг ($U = 20$ В бўлган белгиланган силжитиш кучланишида тўғри ва тескари тоқларнинг нисбатидан аниқланадиган) тўғрилаш коэффициенти $K \approx 10^5$ қийматга эга эканлигини кўрсатади.



а) I – тўғри тармоқ, II – тескари тармоқ. Жойланмада ВАХ тескари тармоғининг биринчи (1) ва иккинчи (2) хуудлари кўрсатилган

б) тўғри тармоқ қоронғуликда (1), $E = 10$ lux оқ нур билан ёритилганда (2) ва тўлқин узунлиги $\lambda = 0,625$ nm ва қуввати $P = 100 \mu W/cm^2$ бўлган лазер нури билан ёритилганда (3)

10-расм. $pSi - nCdS - n^+CdS$ -гетеротузилманинг вольтампер характеристикаси

Таҳлилни қулайлаштириш мақсадида 10а-расмда тузилма ВАХининг тескари тармоғи тоқнинг мусбат қийматлари учун келтирилган. ВАХ тескари тармоғининг таҳлили тоқ зичлигининг $I \approx (1,3 \cdot 10^{-9} \div 1,1 \cdot 10^{-8})$ А/см² қийматлари оралиғида тузилмада термоэлектрон тоқлар оқишини кўрсатади. Бунда термоэлектрон тоқ қуйидаги формула билан тавсифланади:

$$I = AT^2 e^{-\frac{V_D}{kT}} \left(e^{\frac{eU}{kT}} - 1 \right), \quad (1)$$

бу ерда A – Ричардсон доимийси $A = 12 \cdot 10^5$ А/(м²·К²); V_D – потенциал тўсиқ баландлиги; U – силжиш кучланиши; T – Кельвин шкаласи бўйича ҳарорат; k – Больцман доимийси.

Тоқ зичлигининг $I \approx (1,3 \cdot 10^{-8} \div 2, 2 \cdot 10^{-7})$ А/см² оралиғида ВАХ $I = I_{02} \cdot \exp(qU/ckT)$ кўринишдаги экспоненциал боғлиқлик билан тавсифланиб, ундаги экспонента кўрсаткичи $c_2 = 8,2$ га, экспонента олди кўпайтгичи эса $I_{02} = 1,8 \cdot 10^{-8}$ А/см² га тенг бўлиб, Стафеев В.И. назариясига кўра, базанинг қаршилиги анчагина катта бўлган тузилмаларда диффузион тоқ оқиб ўтади ва у қуйидаги аналитик ифода билан тавсифланади:

$$I = I_{02} \cdot \exp(qU/c_2kT), \quad (2)$$

бу ерда

$$c_2 = (2b + chw/L + 1)/(b + 1), \quad (3)$$

бу ерда $b = \mu_n/\mu_p$ – электрон ва коваклар ҳаракатчанлигининг нисбати, w – база қалинлиги.

ВАХ нинг иккинчи соҳасидан аниқланадиган $c_2 = 8.2$ экспериментал қийматини (3) формулага қўйиб, $b = 38$, $w = 2 \mu\text{m}$, $\mu_n = 285 \text{ cm}^2/\text{V}\cdot\text{s}$ и $\mu_p = 7 \div 8 \text{ cm}^2/\text{V}\cdot\text{s}$ қийматларида ковакларнинг диффузия узунлиги $L_p = 0,45 \mu\text{m}$, $\mu_p\tau_p = 7,8 \cdot 10^{-8} \text{ cm}^2/\text{V}$ (коваклар яшаш вақтининг ҳаракатчанликка кўпайтмаси) ни топамиз. I_{02} катталиқ тахминан токка тенг бўлганлиги учун база соҳасининг ўтказувчанлиги инжекция туфайли икки мартага ортади, яъни база қалинлигининг мувозанатдаги ва номувозанатдаги қалинликлари тенглашиб, инжекциянинг юқори даражаларига ўтиш бошланади.

Бунда $I_{02} = 1,8 \cdot 10^{-8} \text{ A/cm}^2$ қиймат ВАХнинг иккинчи соҳаси бошланғич (0,1 V) кучланишига мос келади деб ҳисоблаб, базанинг солиштирма қаршилиги $\rho = 2,6 \cdot 10^{10} \Omega\cdot\text{cm}$ га тенглигини топамиз, бу эса $n\text{CdS}$ қатламнинг $3 \cdot 10^{10} \Omega\cdot\text{cm}$ га тенг қиймати билан яхшигина мос келади. Электронлар инжекциясининг мавжудлигини $\mu_p\tau_p = 7,8 \cdot 10^{-8} \text{ cm}^2/\text{V}$ кўпайтмани ҳисоблаш орқали аниқланадиган бошқа қийматлар ҳам тасдиқлайди. Бунинг учун силжитиш кучланиши бўлмаган ҳолат учун релаксация эгри чизиклари олинган. Бундай эгри чизикларнинг кўтарилиши ва пасайиши бўйича релаксациянинг $\tau = 7 \cdot 10^{-8} \text{ c}$ ва $\tau = 1,2 \cdot 10^{-7} \text{ c}$ га тенг вақт доимийлари аниқланган. Ундан кейин бу катталиқлар ковакларнинг яшаш вақтига тенг деб фараз қилиниб, $\mu_p\tau_p$ кўпайтма бўйича $\mu_p = 1,1 \text{ cm}^2/\text{V}\cdot\text{s}$ ва $\mu_p = 0,78 \text{ cm}^2/\text{V}\cdot\text{s}$ қийматларни топамиз.

Силжитиш кучланиши (U) нинг кейинги ортиши билан $p\text{Si} - n\text{CdS}$ – гетероўтишнинг хусусиятлари ўзгариб боради – у ноидеалга айланиб, $p\text{Si}$ томонга ковакларни ўтказиб юбора бошлайди. Бунда $n^+\text{CdS} - n\text{CdS}$ -изотип ўтиш деярли идеаллигича қолади ва унда тескари силжиш кучланишининг ортиши билан коваклар учун потенциал тўсиқ V_b ортади. Шунинг учун $n^+\text{CdS} - n\text{CdS}$ -изотип ўтиш атрофида номувозанат коваклар концентрацияси ошиб боради, коваклар концентрациясининг градиенти эса, $p\text{Si} - n\text{CdS}$ -гетероўтиш яқинидагидан юқори бўлади. Бу ковакларнинг $p\text{Si} - n\text{CdS}$ томонга йўналган диффузион оқимини пайдо қилади. Бу диффузион ва дрейф оқимлари гетероўтиш томондан келаётган диффузион оқимларга қарши йўналган бўлади.

Бирламчи фототокнинг кучайишини исботлаш мақсадида $n\text{CdS} - p\text{Si}$ -гетероўтишнинг қоронғилиқ ва ёруғлик ВАХ лари тадқиқ қилинди (10б-расм). Ёруғлик ВАХлари ёритилганлик (E) нинг турли даражаларида оқ ёруғлик билан ва $\lambda = 625 \text{ nm}$ тўлқин узунликли лазер нурланишининг турлича қувват (P) ларида ўлчанди. Масалан, қуввати $P = 10 \mu\text{W/cm}^2$ бўлган лазер нурлари билан ёритилганда $S_\lambda = 2,3 \cdot 10^4 \text{ A/W}$ га, хона ҳароратида $E = 0,1 \text{ lux}$ ёритилганликка эга бўлган оқ ёруғлик билан нурлантирилганида интеграл сезгирлик $S_{\text{int}} = 2,75 \cdot 10^4 \text{ A/lm}$ ($3 \cdot 10^6 \text{ A/W}$) га тенг бўлган (1-жадвалга қаранг).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадқиқ қилинаётган тузилма ёритилганликнинг кичик даражаларига ҳам ўта сезгир бўлиб, у спектрал ва интеграл сезгирликнинг ёруғлик ютилишининг хусусий соҳасида ҳам, аралашмали (киришмали) соҳасида ҳам жуда катта қийматларига эга бўлади (1-жадвалга қаранг). Бундан ташқари, оқ ёруғликнинг ёритилганлик даражаси ва лазер нурланиши қуввати даражасининг ортиши билан силжитиш кучланишининг бир хил катталигида ҳам S_{int} нинг, ҳам S_{λ} нинг камайиши рўй беради. Тўғри йўналишдаги силжитиш кучланишининг ортиши билан эса спектрал ва интеграл сезгирликнинг қиймати ортиб боради.

1-жадвал

Фототок (I_{ph}), интеграл сезгирлик (S_{int}), спектрал сезгирлик (S_{λ}) ларнинг ёритилганликка (E_{lux}), лазер нурланиши қувватига (P) ва силжитиш кучланишига (U) боғлиқлиги

| Оқ нур | | | | | Лазер нурланиши | | |
|--------------|--------|------------------------------|-------------------------|------------------------|-------------------------|------------------------------|----------------------------|
| E (lux) | U, V | $I_{ph}, \frac{\mu A}{cm^2}$ | $S_{int}, \frac{A}{lm}$ | $S_{int}, \frac{A}{W}$ | $P, \frac{\mu W}{cm^2}$ | $I_{ph}, \frac{\mu A}{cm^2}$ | $S_{\lambda}, \frac{A}{W}$ |
| 0.1 | 5 | 148.6 | 14.8 | $0.2 \cdot 10^4$ | 10 | 133 | 13.3 |
| | 10 | 2354.4 | 235.44 | $2.6 \cdot 10^4$ | | 2000 | 200 |
| | 14 | 17000 | 1700 | $1.87 \cdot 10^5$ | | 11200 | 1120 |
| | 20 | 274500 | 27450 | $3 \cdot 10^6$ | | 233560 | 23356 |
| 1 | 5 | 178 | 1,78 | $0.2 \cdot 10^3$ | 50 | 369.2 | 7.4 |
| | 10 | 3020 | 30,2 | $3.32 \cdot 10^3$ | | 6075.6 | 121.5 |
| | 14 | 18000 | 180 | $1.98 \cdot 10^4$ | | 38937.1 | 778.7 |
| | 20 | 310220 | 3102 | $3.4 \cdot 10^5$ | | 416333 | 8326 |
| 10 | 5 | 184 | 0.184 | $0.2 \cdot 10^2$ | 100 | 456 | 4.56 |
| | 10 | 3600 | 3.6 | $4 \cdot 10^2$ | | 7524 | 75.24 |
| | 14 | 21000 | 21 | $2.31 \cdot 10^3$ | | 44025 | 440.25 |
| | 20 | 410500 | 410 | $4.5 \cdot 10^4$ | | 448320 | 4483.2 |

Ёруғлик ВАХларининг оқ ёруғлик ёритилганлигининг турли даражалари ва турлича қувватдаги лазер нурланишида ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, улар шакл бўйича ўхшаш ва силжиш токига нисбатан бир хил қонуниятга эга бўлиб (10а-расмга қаралсин), интеграл ва спектрал сезгирликнинг максимал қиймати ВАХ тўғри тармоғининг тўртинчи соҳасига тўғри келар экан.

ВАХнинг тўртинчи соҳасида ток силжитиш кучланишига даражали боғланиш билан тавсифланиб, номувозанат ташувчиларнинг рекомбинацияси, асосан, ичида электрон алмашинуви рўй берадиган мураккаб комплексларда содир бўлиб, бунда дрейф токи асосий аниқловчи ток бўлиб ҳисобланади. Бу эса бирламчи фототок кучайишининг асосий омили амбиполяр ҳаракатчанликдир, деб тасдиқлашимизга асос бўлади.

Амбиполяр ҳаракатчанликнинг модуляцияси чуқур ёпишқоқлик сатҳларининг бўшаб қолиши натижасида содир бўлади. Баҳолашлар қоронғилик-

да тўртинчи соҳада дрейфнинг биполяр тезлиги $v_a \approx 5,6 \cdot 10^6$ cm/s эканлигини кўрсатди. Биполяр дрейф қийматининг бундай катталиги $\tau \approx 10^{-8}$ s (электрон-ковак плазмасининг яшаш вақти) биполяр дрейфнинг $L_{dr} \approx 5,6 \cdot 10^{-2}$ cm узунлигини таъминлайди, бу эса биполяр диффузия узунлиги ($L = 0,24$ μ m) дан уч тартибдан ортиқроқ каттадир. Бу баҳолаш, биринчидан, ВАХнинг тўртинчи соҳасида дрейф механизми устунликка эгаллигини тўлиқ тасдиқлайди, иккинчидан, ёруғлик берилганда, айниқса киришма соҳасида, биполяр дрейф тезлигининг модуляцияланишини, яъни унинг камайишини кўрсатади.

